



Ислom Нури

Аллоҳ таоло “Нисo” сураcининг 101-oятида шундай дейди:

«...»

«Сафар қилиб бошқа ерларга борганингизда агар кофирлар фитнаcидан қўрқсангиз, намозингизни қаср (қисқа) қилиб ўқишингизнинг гуноҳи йўқдир».

...»

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Яъла’ ибн Умаййа шундай дейди: Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан: Аллоҳ таоло: **“Кофирлар фитнаcидан қўрқсангиз, намозингизни қаср (қисқа) қилиб ўқишингизнинг гуноҳи йўқдир”** деган. Ҳозир одамлар тинчлик-омонликдалар-ку, (нега қаср ўқилади?) деб сўрадим. У киши: Сиз ажабланган нарсдан мен ҳам ажабланиб, шу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраган эдим: «Бу Аллоҳ таолонинг сизларга қилган садақаси, Унинг садақасини қабул қилинглaр», деб жавоб бердилар, деди.

:...»



Ислом Нури

«...»

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда уммул муъминийн Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: «Аллоҳ намозни фарз қилган пайтда уни муқимликда ҳам, сафарда ҳам икки ракъат - икки ракъатдан фарз қилди, кейин сафар намози ўз ҳолида қолдирилиб, муқимликдаги намозга зиёда қилинди.»

«...»

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Аллоҳ таоло пайғамбарингиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тиллари воситасида намозни муқимликда тўрт ракъат, сафарда икки ракъат ва хавф-хатар пайтида бир ракъат қилиб фарз қилди.

«...»

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Мадинадан Маккага сафарга чиқдик. У зот то Мадинага қайтиб келгунимизча намозларни икки ракъат икки ракъат қилиб ўқидилар. Унга (Анасга):



Ислом Нури

Маккада бир мунча вақт тургандирсизлар? дейилганда: Ўн кун турдик, деб жавоб берди.

Абу Саид Муаджид р.а. айтишича, Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам пешинни Мадинада тўрт ракъат ўқидилар, асрни Зул-Хулайфада икки ракъат ўқидилар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоху анху шундай дейди: Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам пешинни Мадинада тўрт ракъат ўқидилар, асрни Зул-Хулайфада икки ракъат ўқидилар.

Шарҳ:

Аллоҳ таоло Ўзининг марҳамати ва фазлу карами билан Ислом умматига сафарда тўрт ракъатли намозларни икки ракъат қилиб ўқишга рухсат берди. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам сафарларида тўрт ракъатли намозларни қаср қилиб ўқир ва икки ракъатдан зиёда қилмас эдилар, аммо уч ракъатли намозни учлигича ўқирдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламга эргашган ҳолда намозларни сафарда қаср қилиб ўқиш суннат.
2. Сафарда намозларни қаср қилиб ўқиш тўлиқ ўқишдан афзал, чунки биз Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламга эргашигга маъмурмиз. Зотан, дин одамларнинг ақлидан эмас, У кишининг суннатларидан олинади.